

РАҚАМЛИ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИ ИНДИВИДУАЛ СПОРТЧИЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМЛАРИ БОШҚАРУВИДА ҚЎЛЛАШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Жунайдуллаев Мелс Аслиддин ўғли

**Бухоро давлат университети “Спорт фаолияти” кафедраси
доценти (PhD)**

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19547919>

Индивидуал спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқариш самарадорлигини оширишда индивидуал ривожланиш, мотивацион ва инсон капитали ёндашувига асосланган илмий назариялар устувор аҳамият касб этиши орқали спортчининг шахсий маҳорати ва қобилиятларидан ўзаро мутаносибликда фойдаланилишини ривожлантириш билан биргаликда унинг имкониятларини янада оширишга эришилиши иқтисодий фандаги илмий тадқиқотларда ўз исботини топган ҳисобланади. Шу билан биргаликда, индивидуал спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришнинг замонавий ривожланиш трендлари юқорида келтирилган ёндашувларга асосланган илмий назариялар амал қилишини қуйидаги тартибда тушунтириш имконини беради:

индивидуал ривожланиш ёндашувига асосланган илмий қарашларга асосан индивидуал спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқариш амалиёти “ҳар бир спортчининг мавжуд техник, тактик, жисмоний, руҳий тайёргарлик ҳолатига мос келадиган махсус дастурларга асосланган режалар асосида спорт машғулотлари ва таълим дастурларини ишлаб чиқилиши керак”[1] лигини илмий жиҳатдан асослашга қаратилган ҳисобланади. Шунинг таъкидлаш жоизки, айрим жамоавий ва оммавий спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқариш амалиётида қатнашаётган спортчилар ўзлари мутақил равишда спорт мураббийлари ва педагоглари хизматларидан индивидуал тартибда фойдаланишида айнан мазкур илмий ёндашувларга асосланган назариялар намоён бўлади;

индивидуал спортчиларни тайёрлашнинг мотивацион ёндашувга асосланган назариялари моҳияти “спортчининг шахсий устуворликка эга бўлган эҳтиёжларини самарали қондириш асосида унинг юқори натижаларга эришишига интилишини тушунтириш”[2] га қаратилганлиги билан аҳамиятли ҳисобланади. Ўтказилган таахлилларга кўра, индивидуал спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришнинг мотивацион ёндашувга асосланган назариялар шаклланишида Д. Мак-Грегорнинг инсонлар учун бошқарувда қўлланиладиган мажбурият билан уларнинг ижодий эркинликлари ва масъулиятлари ўртасидаги алоқдорликни тушунтиришга қаратилган “X – Y”[3] концепцияси муҳим аҳамият касб этган. Унинг амалиётда жорий қилинишида индивидуал спортчиларни тайёрлаш тизими бошқарувида спорт мураббийлари ва педагоглари томонидан авторитар ёки демократик бошқарув усуллари қўллаш жараёнида спортчиларни мотивацион воситалар орқали юқори натижаларга эришишларини таъминланиши билан боғлиқ жараёнлар кўзга ташланади.

инсон капитали ёндашувига асосланган илмий назарияларда индивидуал спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқариш самарадорлигини оширишда “спорт таълими билан машғулотлари ўртасидаги оптимл нисбатларни таъминлаш ҳисобига спортчи шаклидаги инсон капиталининг инвестицион самарадорлигига эришилишида

спортчининг жисмоний, интеллектуал (спорт мусобақасида қатнашиш даврида тезкор қарорларни қабул қилиш билан боғлиқ бўлган кўникмаларни шакллантирилиши назарда тутилади), руҳий-психологик салоҳияти (спортчининг ўзига бўлган ишончи ва ғолиблик сари интилишидаги ички руҳий кучи), техник ва тактик имкониятларини барқарор суръатларда кенгайтириб бориш керак"[4] лиги илмий жиҳатдан асослаб берилган ҳисобланади.

Демак, индивидуал спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқариш самарадорлигини ошириш амалиётида қўлланилаётган илмий назарий ёндашувларни тизимли тартибда таахлил қилиш асосида инсон капитали ёндашувига асосланган назарий қарашлар индивидуал ривожланиш ва мотивацион ёндашувларга нисбатан кейинроқ ривожланганлиги сабабли, мзкур йўналишдаги илмий қарашлар бир вақтнинг ўзиде индивидуал ривожланиш билан мотивацион илмий назарияларнинг амалиётга ўзаро мутаносибликда жорий этилиши ҳисобига шаклланган, деган хулосага келиш мумкин бўлади. Шунинг ўтказилган ўрганишларимиз индивидуал спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқариш амалиётида ҳар бир спортчи учун шахсий имконият даражасидаги персоналлаштирилган таълим ва спорт машғулотлари юкламалари дастурлари, спортчининг жисмоний ҳолатини биомеханик таҳлилини юритиш, реал вақт режимидаги мониторингни қўллаш ва сунъий интеллектга асосланган спорт мураббийлигини ташкил этилиши билан боғлиқ рақамли таълим технологияларидан фойдаланиш хусусиятлари мавжуд эканлиги аниқланди. Индивидуал спортчиларни тайёрлаш тизими бошқарувида рақамли таълим технологияларидан фойдаланиш ҳолати ва унинг ривожланиш хусусиятлари билан боғлиқ бўлган маълумотлар тадқиқот ишининг аввалги бўлимида келтирилган 1-жадвал ва 1-расмда ўз ифодасини топган.

Тадқиқотларимиз индивидуал спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришда фойдаланиладиган рақамли таълим технологияларини уларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб, мониторинг, таҳлилий, интеллектуал, визуализация ва бошқарув каби гуруҳларга ажратиш (1-жадвалга қаранг) имконини берди. Бу орқали индивидуал спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришда рақамли таълим технологияларидан фойдаланишнинг рақамли экотизимини изоҳлашга эришиш мумкин бўлади. Шу ўринда таъкидлааш жоизки, мамлакатда индивидуал спортчиларни тайёрлаш тизими бошқарувида рақамли таълим технологияларини жорий этишда инвестицион имкониятларнинг чекланганлигини инобатга олиб, нисбатан арзонроқ нархлардаги юқори иқтисодий самарадорликка эришиш имкониятини берувчи технологиялардан фойдаланишга устуворлик қаратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1-жадвал


Индивидуал спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришда фойдаланиладиган рақамли таълим технологияларининг гуруҳланиши¹

№	Рақамли таълим технологиялари гуруҳи	Рақамли таълим технологиясидан фойдаланиш хусусияти	Рақамли таълим технологияси (асл номланиши келтирилган)
---	--------------------------------------	---	---

¹ Муаллиф томонидан тузилган

1	Мониторинг технологиялари	Спортчининг реал вақтдаги руҳий, физиологик, биомеханик ва тактик тайёргарлигини мониторинг қилиш имконини беради	Wearables
2	Таҳлилий технологиялар	Катта ҳажмдаги маълумотлар базасини чуқур таҳлил қилиш асосида индивидуал спортчиларни тайёрлаш тизими бошқарувини такомиллаштиришга эришилади	Big Data Analytics
3	Интеллектуал технологиялар	Индивидуал спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқариш жараёнидаги қарорларни қабул қилиш оптималлигини оширади	AI (Artificial Intelligence) + IoT (Internet of Things)
4	Визуализацион симулятор технологиялари	Спортчилар учун визуаллашган иммерсив муҳитни яратиш асосида уларнинг тактик тайёргарлигини оширилади	VR (Virtual Reality) / AR (Augmented Reality)
5	Бошқарув технологиялари	Рақамлаштирилган таълим платформалари асосида спортчиларни тайёрлаш тизими бошқарилади	LMS (Learning Management System)

Жумладан, индивидуал спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришда рақамли таълим технологияларидан фойдаланишдаги индивидуал ёндашув, эришиладиган наатижааларни аввалдан прогноزلash имкониятининг юқорилиги ва спортчининг шахсий ривожланишига устуворлик қаратилиши билан боғлиқ бўлган жиҳатлари мазкур йўналишдаги бошқарувнинг жамовий ва оммавий спортчиларни тайёрлаш тизими бошқарувида рақамли таълим технологияларидан фойдаланишдаги афзаллигини ўзида акс эттиради. Спорт соҳасида рақамли технологияларни фойдаланиш самарадорлиги бўйича “N3XT Sports” глобал ташкилот томонидан ўтказилган тадқиқотларда индивидуал спортчиларни тайёрлаш тизимига рақамли технологиялар турларини жорий этилиши бўйича Европа мамлакатларида мазкур амалиётнинг постпандемия давридаги 2021-2025 йиллар кесимида кузатилган ривожини чуқур таҳлил қилиш асосида самарадорлик ва жорийланишга тайёргарлик даражаси таҳлил этилган. Тадқиқот жараёнидаги ҳисоб-китоблар бугунги кунда индивидуал спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқариш амалиётига энг тез ва самарали жорий этиладигин технологиялар видео ва расм (Capture Motion) таҳлили билан спортчи кийими ва танасига ўрнатиладиган сенсор (Wearable) технологиялари эканлигини (1-расмга қаранг) кўрсатган.



1-расм. Индивидуал спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришда рақамли таълим технологияларини жорий этишнинг қулайлиги индекси ва унинг таркибий кўрсаткичлари (2021-2025 йиллар бўйича тадқиқотлар натижалари асосида)[5]

Бизнинг фикримизча, спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришнинг индивидуал шакллари бўйича рақамли таълим технологияларидан фойдаланиш амалиёти ҳисобига бошқарув трансформацияси жараёни вужудга келиб, бунинг пировардида ҳар бир шакл бўйича қуйидаги натижаларга эришиш мумкин бўлади:

индивидуал спортчиларни тайёрлаш тизими бошқарувига рақамли таълим технологияларини жорий этилиши спортчининг шахсий кўрсаткичларини ривожланишини сезиларли даражада ошириш имкониятини яратади;

спортчиларни тайёрлаш тизимини бошқаришнинг индивидуал шакллари кесимида рақамли таълим технологияларнинг жорийланиши ҳисобига умумий ҳолатдаги миллий спорт менежменти тизимининг самарадорлигини кенг қўллаган маълумотлар таҳлили асосида ривожланиш устуворликларини тўғри белгиланиши ҳисобига сезиларли даражада ошириш имкониятига эришилиб, мамлакат спортини глобал даражада ривожлантириш билан биргаликда, аҳолининг саломатлик кўрсаткичларини ва уларнинг спортга бўлган қизиқишини янада оширишга эришилади.

Adabiyotlar, References, Литературы:

1. Cunningham G.B. Theory and Theory Development in sport management. Sport Management Review, Vol. 16 (1), 2013. pp. 1-4. DOI: 10.1016/j.smr.2012.01.006
2. Slack T., Parent M. M. **Understanding Sport Organizations: The Application of Organization Theory.** Champaign, IL: Human Kinetics, 2006. – 355 pages
3. McGregor D. The Human Side of Enterprise. New York: McGraw-Hill, 1960. – 248 pages.
4. Frawley S., Hoyer R., Smith A., and Nicholson M. Sport Management: Principles and Applications. Sport Management Review, Vol. 19 (4), 2016. – pp. 475-476
5. 2025 Digital Trends in the Sport Industry. Executive Summary: Embracing the Digital Future in Sports. N3XT Sports, April, 2025. – 23 pages.